

## **Нодавлат архив тўғрисидаги НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

Муқаддима

I. Умумий қоидалар

II. Нодавлат архивни ташкил қилиш, архив ҳужжатларининг таркиби

III. Нодавлат архивнинг асосий вазифалари, функциялари

IV. Нодавлат архивнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

V. Нодавлат архивларни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби

VI. Якуний қоида

Ушбу Намунавий низом Ўзбекистон Республикасининг "Архив иши тўғрисидаги" (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 24-25-сон, 192-модда) қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2012 йил 5 апрелда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида»ги 101-қарорларига мувофиқ, нодавлат архив фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

### **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ушбу Намунавий низом архив ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган нодавлат архивларига татбиқ этилади.

2. Ушбу Намунавий низомда қўйидаги атамалар қўлланилади:

**архивни жамлаш манбаи** – архив ҳужжатлари билан фондга тегишлигигига кўра жамланиб борувчи архивнинг фонд ташкил этувчиси;

**архив иши** - архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш бўйича фаолият;

**архив фонди** - юридик ёки жисмоний шахслар фаолияти натижасида яратилган, тарихий ёки мантиқий жиҳатдан ўзаро алоқадор архив ҳужжатлари мажмуи;

**архив ҳужжатлари** - фуқаролар, жамият ва давлат учун аҳамияти боис сақланиши лозим бўлган матнли, қўлёзма ва машинада ўқиладиган ҳужжатлар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, киноленталар, фотосуратлар, фотография плёнкалари, чизмалар, схемалар, хариталар, шунингдек бошқа моддий жисмлардаги ёзувлар;

**архив ҳужжатларини депозитар сақлаш** - архив ҳужжатларини уларнинг мулкдори (эгаси) билан нодавлат архив ўртасидаги келишувда (шартномада) белгиланадиган муддатлар ва шартлар асосида мулкдорнинг (эгасининг) архив ҳужжатларига бўлган мулк ҳуқуқини (эгалик ҳуқуқини) сақлаб қолган ҳолда сақлаш;

**илмий-маълумотнома аппарати (ИМА)** – архив хужжатларининг таркиби ва мазмуни тўғрисидаги ягона илмий-услубий асосда тузилган, бирбери билан боғлиқ, ўзаро тўлдирувчи архив маълумотномалари мажмуи (архивнинг илмий-маълумотнома тизими);

**Миллий архив фонди** - Ўзбекистон халқининг моддий ва маънавий хаётини акс эттирган, тарихий, илмий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳамиятга эга бўлган архив хужжатларининг тарихан таркиб топган ва доимо бойитиб бориладиган мажмуи;

**нодавлат архив** - Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисмига киритилган архив хужжатларини, шунингдек давлат мулки бўлмаган бошқа архив хужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи муассаса;

**шахсий таркиб бўйича хужжатлар** - ходимнинг иш берувчи билан меҳнатга оид муносабатларини акс эттирувчи архив хужжатлари.

## **II. НОДАВЛАТ АРХИВНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3. Нодавлат архив ташкилот томонидан, унинг таркибий бўлинмаси сифатида белгиланган тартибда ташкил этилади ва ушбу Намунавий низомнинг талабларига мувофиқ, унинг раҳбари томонидан тасдиқланадиган ташкилотнинг электрон архиви тўғрисидаги низомга мувофиқ иш фаолиятини олиб боради.

4. Нодавлат архивлари мулкдорлар (муассислар)нинг тегишли қарори асосида ташкил этилади.

Нодавлат архивини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган тартибда нодавлат архивининг ташкилий хужжатлари (устав, таъсис шартномаси, муассислар йиғилиши қарори) “Ўзархив” агентлиги ёки архив иши бўйича худудий бошқармалар билан олдиндан келишилгандан сўнг амалга оширилади.

5. Нодавлат архивлар ўз мулкдорларининг қарорларига мувофиқ белгиланган тартибда ўз филиалларини ташкил этиши мумкин.

Нодавлат архивларнинг филиаллари юридик шахс ҳисобланмайди. Уларга уларни ташкил этган нодавлат архивлари томонидан мулк берилади ва улар тегишли нодавлат архиви томонидан тасдиқланган низомга асосан фаолият юритади.

6. Нодавлат архив ходимларининг хизмат доирасидаги мажбуриятлари архив раҳбари томонидан тасдиқланадиган мансаб йўриқномаларига мувофиқ белгиланади.

### **III. НОДАВЛАТ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТАРКИБИ**

7. Нодавлат архив ҳужжатлари таркибиغا қуйидагилар киради:

ташкilot фаолиятида вужудга келган МАФнинг давлатга тегишли бўлмаган қисмига киритилган ҳужжатлар;

ташкilot фаолиятида вужудга келган ва вақтинча сакланадиган ҳужжатлар;

шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар;

матбаа ҳужжатлари, шу жумладан, архив ҳужжатларини тўлдирувчи идоравий нашрлар ҳамда архивнинг илмий-тадқиқот, ахборот-маълумотнома ва бошқа ишлари учун зарур бўлган материаллар;

архив ҳужжатлари таркиби ва мазмунини очиб берувчи илмий-маълумот аппарати (ҳужжатлар рўйхати, тарихий маълумотномалар, каталоглар, кўрсаткичлар, шарҳлар ва ҳоказо).

8. Мустақил муассаса ҳуқуқига эга бўлган, ҳужжатларни нодавлат архивга топширувчи муассасалар рўйхати ва топшириш муддатлари нодавлат архив раҳбари томонидан тасдиқланади.

### **IV. НОДАВЛАТ АРХИВНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ, ФУНКЦИЯЛАРИ**

9. Нодавлат архивнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

нодавлат архивни ҳужжатлар билан жамлаш, ҳисобга олиш, уларни сақлаш, шунингдек улардан фойдаланишни таъминлаш;

архивга қабул қилинган йиғмажиллар ва ҳужжатларга фонд тартиб рақамларини беради;

нодавлат архивда сақланаётган архив ҳужжатларидан фойдаланишни ташкил этиш учун илмий-маълумотнома аппаратини тузиш;

архив ҳужжатларни расмийлаштириш ва сақловга топширишга тайёрлаш бўйича тегишли ташкilotларга услубий ёрдам кўрсатиш;

нодавлат архивнинг ахборот ресурсини ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

10. Нодавлат архив ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Нодавлат архивни мунтазам равишда архив ҳужжатлари билан жамлашни ташкил этиш, тизимли ҳисобга олиш ва тегишли шароитда сақлаш, архив ҳужжатларидан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш;

архив ҳужжатларининг бут сақланишини таъминлаш ва уларни кириб кўришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

республиканинг бой маданий меросини холисона акс эттириш учун кўмаклашиш;

сиёсий, гуманитар, иқтисодий, маданий ривожланиш ва давлат тараққиётининг бошқа соҳаларидағи ютуқлари тўғрисида архив экспозицияларини ташкил этиш;

фуқаролар учун мамлакатнинг маданий мероси ҳисобланган архив хужжатларини сақлаш, ўрганиш, тўлдириб бориш ва намойиш этиш;

архив хужжатларини илмий тадқиқ этиш ишларини олиб бориш ва уларнинг натижаларини чоп этиш;

архив хужжатларининг бут сақланишини таъминлаш ва улардан фойдаланиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш;

архившуносликнинг долзарб масалаларига бағишлиланган илмий-амалий тадбирларни ўтказиш ва илғор тажрибаларни оммалаштириш;

жаҳон архившунослиги тажрибасини қўллаш учун зарур шартшароитлар яратиш.

11. Нодавлат архив ўз фаолияти доирасига улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш ва архив иши учун хос бўлмаган бошқа шунга ўхшаш хизматлар (ишларнинг) киритилишига йўл қўйилмайди.

#### **IV. НОДАВЛАТ АРХИВНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ**

12. Нодавлат архив қўйидаги ҳуқуқларга эга:

нодавлат архивнинг таркибий бўлинмалари ва филиалларига ўз ваколатларида кирувчи масалалар бўйича белгиланган тартибда кўрсатмалар бериш;

таркибий бўлинмалари ва филиалларидан архив иши учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш;

зарур ҳолларда эксперталар ва маслаҳатчилар сифатида давлат архивларининг малакали мутахассисларини жалб этиш;

нодавлат архив ҳузурида архив ишига кўмаклашувчи кенгашлар ва комиссиялар ташкил этиш;

нодавлат архив томонидан берилаётган архив маълумотларининг ҳаққонийлигини таъминлаш бўйича бошқа ташкилий ва дастурий-техник чораларини кўриш.

13. Нодавлат архив қўйидаги мажбуриятларга эга:

Нодавлат архивда сақланаётган МАФнинг давлатга тегишли бўлмаган қисмига киритилган хужжатлар тўғрисида тегишли худудий архив иши бошқармаларига маълумот бериш ва МАФнинг Давлат каталогидан рўйхатдан ўтиш;

нодавлат архивдаги архив хужжатларнинг тизимли равишда ҳисобини олиб бориш ва тўлақонли сақловини таъминлаш;

нодавлат архивда сақланаётган архив хужжатларга илмий-маълумотнома аппаратини тўлдириб бориш ва такомиллаштириш;

архив иш ва иш юритишга доир хуқуқий-меъёрий хужжатларда белгиланган тартибда ўз фаолиятини ташкил этиш.

14. Нодавлат архив иш юритиш ва архив хужжатлари билан ишлаш бўйича белгиланган қоидаларнинг бажарилиши ва архив хужжатларнинг сақланишини таъминлаш учун жавобгардир.

## **V. НОДАВЛАТ АРХИВЛАРНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ**

15. Нодавлат архивларини қайта ташкил этишда мулкдор (муассис) архив хужжатларининг ҳолати (жойлашган жойи, таркиби, миқдори ва тақсимланиши) тўғрисидаги ахборотни тегишли архив иши бўйича худудий бошқармага қайта ташкил этиш бошланишидан камида 3 ой олдин юбориши керак.

Архив қайта ташкил этилаётганда унинг фаолият мақсадлари ўзгармайди.

16. Нодавлат архиви тугатилаётганда архивнинг мулкдорлари (муассислари) мазкур архивнинг архив фондларини бошқа архивларга белгиланган тартибда ўз вақтида топшириш учун тегишли чора-тадбирларни кўришлари шарт.

Архив хужжатларини топшириш ва уларнинг бошқа архивда кейинчалик сақланиши билан боғлиқ барча харажатлар тугатилаётган нодавлат архив ёки унинг мулкдорлари ҳисобидан амалга оширилади.

17. Нодавлат архив раҳбари сақлашга қабул қилинган ва бошқа архивларга топширилиши лозим бўлган архив хужжатларининг бут сақланиши ва яхлитлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

## **VI. ЯКУНИЙ ҚОИДА**

18. Нодавлат архивлар фаолиятидаги низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.